

сида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз хуудларида 2026 йилнинг якунига қадар сервис соҳалари, шу жумладан, спорт

соҳаси қўламини кенгайтириш орқали хизмат кўрсатиш хажми уч баробар оширилади ва бунинг эвазига 3,5 миллионга янги иш ўрни яратилади [1].

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайлов олди дастури. Янги Ўзбекистон стратегияси. XXI asr, 2121 йил 30 сентябрь, №38.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь, № 276.
3. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2021 йил 7 ноябрь, №238.
4. Диянова С.Н., Штезель А.Э. Маркетинг сферы услуг : учебное пособие.- М.: Магистр: ИНФРА – М, 2015.- 72-73 бетлар.
5. Диянова С.Н., Штезель А.Э. Маркетинг сферы услуг: учебное пособие.- М.: Магистр : ИНФРА – М, 2015.- 15-17 бетлар.
6. Лукина А.В. Маркетинг товаров и услуг: учеб. пособие, М.: И-во «Форум», 2012. –240с.
7. Маркетинг спорта. Под ред. Джона Бича и Саймона Чедвика; Пер. С англ.-М.: Альпина Паблишерз, 2017.-706 с.
8. Юсупов М.А., “Хизматлар маркетинги” Дарслик. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2021.- 356 бет.
9. Юсупов М.А., Эргашходжаева Ш.Дж., Усмонова Д.М., Закирова У.М. Маркетинг. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2021.- 126 бет.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА СЕРВИС СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

Рахимов Зафар Комилович - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис Институтини “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида сервис соҳасининг ривожланиш ҳолати, унинг аҳамияти ва мазмуни ёритиб берилган. Мамлакатимиз аҳолисининг ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда аграр соҳани жадал ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги тармоғига рақамли технологияларни қўллаш ҳамда уларнинг қатор соҳалар, тармоқлар билан турли кооперация ва интеграцияга киришига асослаиб юқори самарадорликка эришиши республикамиз иқтисодиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратилган. Маълумотлар муаллифнинг кузатишлари ҳамда чет эл адабиётларини таҳлил этиш асосида тузилди.

Калит сўзлар: Сервис, хизмат, маҳсулот, инфратузилма, қишлоқ, аҳоли, бандлик, модернизация, технология, рақамли технологиялар.

СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ СЕРВИСНОГО СЕКТОРА В СЕЛЬСКИХ МЕСТАХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

Рахимов Зафар Комилович - старший преподаватель кафедры цифровой экономики Самаркандского института экономики и сервиса

Аннотация: В статье освещены значение, состояние и тенденции развития сферы сервиса в сельской местности Самаркандской области. Одной из важных задач экономики страны является удовлетворение растущего спроса населения на продукты питания, достижение высокой эффективности на основе стремительного развития аграрного сектора и применения цифровых технологий в сельском хозяйстве и их интеграции и интеграции с количеством отраслей. Данные основаны на наблюдениях авторов и иностранной литературе, в которой приведена соответствующая информация.

Ключевые слова: Сервис, услуга, продукт, инфраструктура, село, население, занятость, модернизация, технологии, цифровые технологии.

Rakhimov Zafar Komilovich -
Senior Lecturer of the Department of
Digital Economy of the Samarkand
Institute of Economics and Service

Abstract: The article highlights the significance, state and development trends of the service sector in rural areas of the Samarkand region. One of the important tasks of the country's economy is to meet the growing demand of the population for food, achieve high efficiency based on the rapid development of the agricultural sector and the use of digital technologies in agriculture and their integration and integration with a number of industries. The data are based on the observations of the authors and foreign literature, which provides relevant information.

Keywords: Service, service, product, infrastructure, village, population, employment, modernization, technology, digital technologies.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам янада ривожлантиришга 2017 йил 7-февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгилаб берилди. Бу эса, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришга, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улушини ва ролини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг таркибини ҳамда тузилмасини, энг асосийси, хизмат кўрсатишнинг замонавий, технологик турларини тубдан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта аҳамият касб этишидан далолат беради. Шу сабабли, хизмат кўрсатиш ва сервисни яхшилаш ва бу соҳани доимо инновацион ташкил этиш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хорижий адабиётларда қишлоқ жойларида хизмат сифатини яхшилаш ва диверсификация қилиш масалалари кенг тадқиқ этилган.

Жумладан, Ф.Котлер ҳаммуаллифлари билан “Service” кенгроқ таърифни таклиф қилди: – “Хизмат (Service) бир томоннинг бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки қулайлик. Сервис номоддий характерга эга ва мулкка эга бўлишга олиб келмайди (мулкни топширишга).” Бу нуқтаи назардан, “фаолият” ёки “қулайлик” терминлари ишлатилган. Охирги атама маҳсулотнинг моҳиятини, асосий, бошланғич маъносини, шунингдек “фойда”, “хизмат”, “устунлик” ва бошқаларни белгилайди.

Пол Старки, Захара Батул, Eng Мухаммад Вакас Юнис, Аттек Ур Рехман, Мухаммад Сармад Али томонидан Покистоннинг қишлоқ жойларида олиб борилган таҳлилларга кўра, қишлоқ жойларида бошқа хизмат турларининг ривожланиши транспорт хизматларининг ривожланишига боғлиқ [7].

Эман Ахмед Хамед Шоеиб, Элизабет Хамин Инфилд, Генри К. Ренски илмий таҳлилларига кўра қишлоқ жойларида электр таъминотининг узлуксизлиги натижасида коммунал хизматларнинг сифати ошган ва бу аҳолининг яшаш даражаси яхшиланишига ҳамда солиқ тўловларининг ортишига олиб келган [8].

Bangkim Biswas, Bishawjit Mallick, Apurba Roy, Zakia Sultana томонидан Бангладешда олиб борилган тадқиқотларга мувофиқ, қишлоқ жойларида аҳолининг билим даражаси ортиши натижасида қишлоқ хўжалик техникаларининг самарадорлиги ошиб борган [9]. Бундан кўришиб турибдики, қишлоқ аҳолисининг агро техникалар ва аграр соҳа бўйича билим даражасининг ортиши ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш сифатига ва ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда хизмат кўрсатиш ва истеъмол жараёнини кўрсаткичларини иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиш натижасида ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Бундан ташқари илмий тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида мамлакатимиз аҳолисининг кўп қисми қишлоқ ҳудудларида яшаб келмоқда. Аммо, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида айрим камчиликларимиз мавжуд. Бу эса, қишлоқда айрим ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги фаолиятларини тўғри ташкил этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий, маиший хизматлардан фойдаланишда айрим қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг замонавий сервисга бўлган эҳтиёжларини қондириш, айниқса қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш орқали ресурслар сарфини тежашга имкон яра-

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

тувчи инновацион иқтисодийни барпо этиш учун шароит яратиб беради. Мамлакатимизда хизматларни ривожлантириш учун бажарилаётган туб ўзгаришларни амалга оширишда хусусий секторнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш, хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини сервис даражасигача етказишга ҳам эътибор бериш лозим.

Бугунги кунда, мамлакатимиз аҳолисининг ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда аграр соҳани жадал ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги тармоғига рақамли технологияларни қўллаш ҳамда уларнинг қатор соҳалар, тармоқлар билан турли кооперация ва интеграцияга киришига асосланиб юқори самарадорликка эришиши республикамиз иқтисодийнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳудудларда мавжуд корхоналар ўртасида соғлом иқтисодий муҳит яратади, аҳоли учун кўрсатилаётган хизматларни сервис даражасига етказиш ҳамда янги иш ўринларини очишга, ўз касбининг етук мутахассис кадр (Олий ўқув юртлари битирувчи)ларини иш билан бандлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш

алоҳида эътиборни қаратди. Шунинг учун, агро-сервис хизмат кўрсатиш ҳолатини ўрганиш мақсадида статистик, анкета сўровномаси ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлардан фойдаланиб қуйидаги натижалар аниқланди (1-жадвал).

1 ва 2-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан вилоятда қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми 2,4 мартга кўпайган. Қишлоқларда хизматлардан фойдаланиш даражаси ортиши ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасининг яхшиланишидан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, агро-сервис соҳасига бўлган эътибор ҳам ошмоқда.

Агро-сервис қишлоқ хўжалиги корхоналари билан истеъмолчилар ўртасида хизмат кўрсатиб келадиган қишлоқ жойларидаги асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Агро-сервис корхоналарининг кластер услубида фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқариш корхоналарининг агро-сервис хизматларини кўрсатиб келадиган корхоналар билан уйғун ҳолда фаолиятини ташкил этиш ишлаб чиқаришга ва маҳсулотларни реализация қилишга қулайликлар яратади.

1-жадвалда

Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолати таҳлили (минг сўм ҳисобида)[3]

| Ҳудудлар | Жами аҳоли сони 1-январь ҳолатига | | | | | | | | | Жами кўрсатилган хизматлар ҳажми 1-январь ҳолатига | | |
|-----------------|-----------------------------------|---------------|----------------|---------------|---------------|----------------|---------------|---------------|----------------|--|------------------|------------------|
| | 2017 | | | 2018 | | | 2019 | | | 2017 | 2018 | 2019 |
| | жами | шаҳарча | Қишлоқ аҳолиси | жами | шаҳарча | Қишлоқ аҳолиси | жами | шаҳарча | Қишлоқ аҳолиси | Аҳоли жон бошига минг сўм. | | |
| Жами | 3651,7 | 1372,8 | 2278,9 | 3719,6 | 1391,4 | 2328,2 | 3798,7 | 1413,9 | 2384,8 | 1675,0 | 2263,5 | 2671,6 |
| Шаҳарлар | 609,8 | 609,8 | 0 | 617 | 617 | 0 | 626,2 | 626,2 | 0 | | | |
| Самарқанд ш. | 523,8 | 523,8 | 0 | 529,9 | 529,9 | 0 | 538,2 | 538,2 | 0 | | | |
| Каттақурғон ш. | 86,0 | 86,0 | 0 | 87,1 | 87,1 | 0 | 88,0 | 88,0 | 0 | | | |
| туманлар | 3041,9 | 763,0 | 2278,9 | 3102,6 | 774,4 | 2328,2 | 3172,5 | 787,7 | 2384,8 | 3817157,5 | 5269880,7 | 6371231,7 |
| Оқдарё | 149,6 | 59,9 | 89,7 | 152,7 | 60,6 | 92,1 | 155,5 | 61,3 | 94,2 | 150247,5 | 208468,4 | 251664,7 |
| Булунғур | 175,5 | 39,7 | 135,8 | 178,9 | 40,2 | 138,7 | 182,8 | 41,0 | 141,8 | 227465,0 | 313947,5 | 378832,9 |
| Жомбой | 159,1 | 36,3 | 122,8 | 163,1 | 37,0 | 126,1 | 167,6 | 37,7 | 129,9 | 205690,0 | 285427,4 | 347040,8 |
| Иштихон | 237,2 | 66,1 | 171,1 | 241,9 | 66,9 | 175 | 247,7 | 67,7 | 180 | 286592,5 | 396112,5 | 480888,0 |
| Каттақурғон | 256,6 | 49,6 | 207 | 261,6 | 50,2 | 211,4 | 267,0 | 51,1 | 215,9 | 346725,0 | 478503,9 | 576798,4 |
| Қўшробот | 123,0 | 12,0 | 111 | 125,4 | 12,1 | 113,3 | 128,2 | 12,2 | 116 | 185925,0 | 256454,6 | 309905,6 |
| Пайариқ | 234,2 | 69,6 | 164,6 | 238,7 | 70,4 | 168,3 | 244,1 | 71,5 | 172,6 | 275705,0 | 380947,1 | 461118,2 |
| Пастдарғом | 332,1 | 88,6 | 243,5 | 338,8 | 89,8 | 249 | 346,0 | 90,8 | 255,2 | 407862,5 | 563611,5 | 681792,3 |
| Пахтачи | 136,4 | 27,0 | 109,4 | 138,4 | 27,2 | 111,2 | 141,3 | 27,8 | 113,5 | 183245,0 | 251701,2 | 303226,6 |
| Самарқанд | 237,0 | 14,3 | 222,7 | 241,1 | 14,5 | 226,6 | 246,3 | 15,0 | 231,3 | 373022,5 | 512909,1 | 617941,1 |
| Нарпай | 201,7 | 61,7 | 140 | 204,9 | 62,3 | 142,6 | 208,6 | 63,0 | 145,6 | 234500,0 | 322775,1 | 388985,0 |
| Нуробод | 141,2 | 16,6 | 124,6 | 143,8 | 16,8 | 127 | 147,0 | 17,0 | 130 | 208705,0 | 287464,5 | 347308,0 |
| Тайлоқ | 187,9 | 22,8 | 165,1 | 191,7 | 23,5 | 168,2 | 195,9 | 23,9 | 172 | 276542,5 | 380720,7 | 459515,2 |
| Ургут | 470,4 | 198,8 | 271,6 | 481,6 | 202,9 | 278,7 | 494,5 | 207,7 | 286,8 | 454930,0 | 630837,5 | 766214,9 |

Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолати таҳлили (минг сўм ҳисобида)

| Худудлар | Жами аҳоли сони 1-январь ҳолатига | | | | | | Жами кўрсатилган хизматлар ҳажми 1-январь ҳолатига | | 2021 йилда 2017 йилга нисбатан қишлоқ аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмининг ўзгариши | |
|-----------------|-----------------------------------|---------------|----------------|---------------|---------------|----------------|--|------------------|---|--------------|
| | 2020 | | | 2021 | | | 2020 | 2021 | (+;-) | % |
| | жами | шаҳарча | Қишлоқ аҳолиси | жами | шаҳарча | Қишлоқ аҳолиси | Аҳоли жон бошига минг сўм. | | | |
| Жами | 3877,4 | 1428,2 | 2449,2 | 3947,4 | 1443,6 | 2503,8 | 3196,9 | 3659,8 | 1984,8 | 218,5 |
| Шаҳарлар | 635,9 | 635,9 | 0 | 642,6 | 642,6 | 0 | | | | |
| Самарқанд ш. | 546,3 | 546,3 | 0 | 551,9 | 551,9 | 0 | | | | |
| Каттақурғон ш. | 89,6 | 89,6 | 0 | 90,7 | 90,7 | 0 | | | | |
| туманлар | 3241,5 | 792,3 | 2449,2 | 3304,8 | 801,0 | 2503,8 | 7829847,5 | 9163407,2 | 5346249,7 | 240,1 |
| Оқдарё | 158,7 | 61,9 | 97,2 | 161,7 | 62,3 | 98,8 | 310738,7 | 361588,2 | 211340,7 | 240,7 |
| Булунғур | 186,3 | 41,4 | 145,7 | 189,6 | 41,7 | 147,6 | 465788,3 | 540186,5 | 312721,5 | 237,5 |
| Жомбой | 171,9 | 38,1 | 133,4 | 176 | 38,7 | 136,3 | 426466,5 | 498830,7 | 293140,7 | 242,5 |
| Иштихон | 253,3 | 68,1 | 182,3 | 258,1 | 68,5 | 186,6 | 582794,9 | 682918,7 | 396326,2 | 238,3 |
| Каттақурғон | 272,3 | 51,4 | 221,7 | 276,6 | 52,3 | 227,2 | 708752,7 | 831506,6 | 484781,6 | 239,8 |
| Қўшробот | 131,1 | 12,4 | 119,9 | 133,5 | 12,7 | 122,1 | 383308,3 | 446861,6 | 260936,6 | 240,3 |
| Пайариқ | 249,5 | 71,8 | 176,7 | 254,6 | 72,4 | 180,6 | 564892,2 | 660959,9 | 385254,9 | 239,7 |
| Пастдарғом | 353,2 | 91,2 | 262,1 | 360 | 91,7 | 269,3 | 837907,5 | 985584,1 | 577721,6 | 241,6 |
| Пахтачи | 143,9 | 28,1 | 118,4 | 146 | 28,4 | 121,7 | 378513,0 | 445397,7 | 262152,7 | 243,1 |
| Самарқанд | 251,5 | 15,3 | 238,5 | 256,4 | 15,5 | 244,2 | 762460,7 | 893723,2 | 520700,7 | 239,6 |
| Нарпай | 212,4 | 63,4 | 149,7 | 215,4 | 64,3 | 153,3 | 478575,9 | 561047,3 | 326547,3 | 239,3 |
| Нуробод | 149,9 | 17,2 | 132,8 | 152,7 | 17,4 | 135,7 | 424548,3 | 496634,9 | 287929,9 | 238,0 |
| Тайлоқ | 200,5 | 24,3 | 175,3 | 205 | 24,7 | 179,2 | 560416,6 | 655836,2 | 379293,7 | 237,2 |
| Ургут | 507,0 | 207,7 | 295,5 | 519,2 | 210,4 | 301,2 | 944684,0 | 1102331,8 | 647401,8 | 242,3 |

Манба: <https://www.samstat.uz/uz/> Жадвал Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. 28.03.2021 йил.

Маълумки, қишлоқ жойларида асосий фаолият тури – бу, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этади. Айнан шунинг учун, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсад қилиб олинди. Илмий ва амалий тадқиқот объекти сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаб чиқариш учун хизмат кўрсатаётган агросервис корхоналари олинди. Юқорида келтирилган хизматларнинг реал ҳолатини аниқлаш мақсадида Самарқанд вилоятининг қишлоқ худудларида 179 та қишлоқ хўжалиги корхоналарида анкет сўров усулидан фойдаланилди. Ўтказилган изланишларнинг натижаси қуйидаги 3-жадвал маълумотларида таҳлил этилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган хизматларнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровномадан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти учун зарур бўлган “илмий-ишлаб чиқариш лаборатория хизматлари”дан қониқмаслик 179 та сўров ўтказилган корхонадан 163 тасида, “биологатория хизматлари”дан 179 та сўров

ўтказилган корхонадан 124 тасида, “қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш хизматлари”дан 179 та сўров ўтказилган корхонадан 115 тасида, “банк, молия хизматлари”дан 179 та сўров ўтказилган корхонадан 121 тасида, “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари (Агробиржалар)”дан 179 та сўров ўтказилган корхонадан 169 тасида ҳамда “консалтинг хизматлари”дан 179 та сўров ўтказилган корхонадан 159 тасида юқори даражада қониқарсиз ҳолатлар аниқланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йиллардан аграр соҳа маҳсулотларни эҳтиёж асосида тезкор етиштириш, айниқса, сифатга ва соф экологик тоза маҳсулот сифатида истеъмолчи талабини қондиришига эътибор бериш алоҳида ёндашувни талаб этмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида янги технологияларни қўллаш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатиш ҳолатини модернизациялаш, ишлаб чиқаришда инновацияларни қўллаш натижасида соҳа рақобатбардошлигини ошириш ҳамда экспорт қилишнинг янги имкониятларини очиб беришни тақозо этади. Бу эса, аграр соҳани ягона тизим сифатида ривожлантириш заруриятига олиб келади.

Кўрсатилаётган хизматлардан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қониқиш ҳолати

| № | Хизматлар | Қони-қарсиз | Қони-қарли | Яхши | Аъло даражада | Жами |
|----|--|-------------|------------|------|---------------|------|
| 1 | уруғлик етказиб бериш хизматлари; | 23 | 77 | 61 | 18 | 179 |
| 2 | минерал ўғитлар сотиш шаҳобчалари ва кимёвий воситалар билан таъминлаш тизими; | 9 | 12 | 139 | 19 | 179 |
| 3 | биологатория хизматлари; | 124 | 16 | 18 | 21 | 179 |
| 4 | илмий-ишлаб чиқариш лаборатория хизматлари; | 163 | 7 | 2 | 7 | 179 |
| 5 | ирригация ва мелиорация хизматлари; | 15 | 57 | 65 | 32 | 169 |
| 6 | сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ); | 19 | 58 | 63 | 29 | 169 |
| 7 | зооветеринария хизматлари; | 12 | 82 | 23 | 21 | 138 |
| 8 | муқобил трактор парклари (МТП) хизматлари; | 94 | 34 | 31 | 20 | 179 |
| 9 | қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш хизматлари; | 115 | 36 | 16 | 12 | 179 |
| 10 | электр-энергия хизматлари; | 87 | 29 | 24 | 39 | 179 |
| 11 | ёқилғи ва мойлаш материаллари (ЁММ) таъминоти ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар; | 78 | 62 | 21 | 18 | 179 |
| 12 | транспорт тизими ва йўл хизматлари; | 48 | 85 | 18 | 28 | 179 |
| 13 | алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари; | 98 | 19 | 28 | 34 | 179 |
| 14 | банк, молия хизматлари; | 121 | 6 | 29 | 23 | 179 |
| 15 | қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари (Агробиржалар); | 169 | 2 | 5 | 3 | 179 |
| 16 | маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлаш хизматлари; | 14 | 132 | 16 | 17 | 179 |
| 17 | консалтинг хизматлари | 159 | 19 | 1 | 0 | 179 |

Манба: Анкет сўров натижалари асосида муаллиф ишланмаси. 2019 йил.

Таъкидлаш жоизки, аграр соҳани илғор техника ҳамда технологиялар билан таъминлаш учун хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини ягона мақсад сари ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганларидек, “Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда”[2]. Бу эса соҳа олдиға янгича ёндашувни кластерлаш асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ва умуман аграр тармоқни жадал ривожлантириш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқотларда, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ўтказилган сўровнома нар натижасидан уларга кўрсатилаётган ишлаб чиқариш хизматларини рақамли технологияларни жорий этиш орқали модернизация қилиш зарур деб ўйлаймиз.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида самардорлик кўрсаткичларига таъсир ўтказувчи воситалар – бу, асосий воситаларнинг ҳолатидир. Яъни, хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд асосий воситаларни доимий равишда янгилаб бориш ва мавжуд инновацион хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланиш керак. Бундан ташқари, сўровнома давомида қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги корхоналари уларга кўрсатилаётган хизматлардан электр тоқини ўтказгичларнинг йўқлиги ёки электр тоқининг кўп маротаба ўчиши, алоқа хизматларининг яхши бўлмаганлиги, ёқилғи ва мойлаш

материалларини вақтида етказиб берилмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари (Агробиржалар)нинг мавжуд эмаслиги ёки мавжуд бўлган худудларда уларнинг фаолияти қишлоқ хўжалиги корхоналарини қониқтирмаслиги, илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг узил-кесиллиги, банклар томонидан кўрсатилаётган кредит хизматларида фоизларнинг юқорилиги ёки кредит шартларининг оғирлиги, агротехникаларни сошлаш учун сервиснинг йўқлиги, агротехникаларни ишлатишда ва уларни сошлашда кадрлар мавжуд эмаслиги каби муаммолар мавжудлиги ҳақида маълум бўлди.

Аграр соҳада иш жараёнини янгича ташкил этиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарини кластер усулида ташкил этишга эътибор қаратилган эди. Аграр соҳани кластер услубида ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий мажлисга мурожаатномасида “Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз.

Мева-сабзавот, шолчилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот

етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Парламентимиз ушбу ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва клас-терлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди”[4] деб таъкидладилар. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун унга кўрсатилаётган хизмат кўрсатишни ривожлантириш зарур.

Иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири – бу, иқтисодий тармоқларда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сервис хизматларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Бу эса хизмат кўрсатиш асосида, энг аввало маҳсулот ишлаб чиқаришни юқори унумли бўлишига таъсир кўрсатади.

Тадқиқот шуни кўрсатадики республика-мизда аграр соҳани тез суръатлар билан ривожланиши учун энг аввало агросервис соҳасига алоҳида эътибор бериш ҳамда замонавий иқтисодий жиҳатдан тежамкор техника ва технологияларни қўллаш талаб этилмоқда.

Иқтисодийнинг тармоқ ва соҳаларини кластерлаш натижасида иштирокчиларнинг ўзаро рақобати ҳамда ҳамкорлиги, минтақанинг ноёб компетенцияларини шакллантириш, муайян ҳудудда корхона ва ташкилотларнинг кон-центрациясини шакллантириш имкониятига эга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”[6] ПФ-4947 сон Фармонида асосан Самарқанд вилоятида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларида корхоналарга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда.

Юқорида келтирилган сўровнома натижалари бўйича изланиш олиб борилиб, вилоятда қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган хизматлар бўйича 2017-йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолият турлари бўйича тузилган шартномалар сони ҳақида маълумотлар қуйида-ди 4-жадвалда келтирилди.

4-жадвал

2017-2020 йилда Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолият турлари бўйича ҳолати (млн. сўм ҳисобида) [5]

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | 2020 йилда 2017 йилга нисбатан | |
|--------------|---|-----------------|-----------------|-----------------|-----------------|--------------------------------|----------------|
| | | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | (+;-) | % |
| 1 | МТПлар | 746,2 | 802,4 | 757,7 | 702,4 | -43,8 | 94,1 |
| 2 | Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУлар) | 5668,8 | 5832,6 | 5855,2 | 6013,5 | 344,7 | 106,1 |
| 3 | Ёқилғи мойлаш материаллари (ЁММлар) | 65312,1 | 66215,3 | 66732,2 | 67013,5 | 1701,4 | 102,6 |
| 4 | Минерал ўғитлар сотиш шохобчалари | 127826,5 | 132012,1 | 132578,0 | 133469,3 | 5642,8 | 104,4 |
| 5 | Минибанклар | 224838,0 | 227362,0 | 243458,1 | 248321,4 | 23483,4 | 110,4 |
| 6 | Зооветеринария ва сунъий уруғлантириш шохобчалари | 1768,2 | 1921,5 | 1887,3 | 1906,8 | 138,6 | 107,8 |
| 7 | Биолабораториялар | 4965,2 | 5219,8 | 5367,7 | 5439,8 | 474,6 | 109,6 |
| 8 | Агрофирмалари | 95943,4 | 94628,2 | 97032,6 | 102343,7 | 6400,3 | 106,7 |
| Жами: | | 527068,4 | 533993,9 | 553668,8 | 565210,4 | 38142,0 | 38142,0 |

4-жадвал маълумотларида вилоятда қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2020 йил 2017 йилга нисбатан МТПлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 43,8 млн. сўмга камайган бўлиб, 94 фоизни, сув истеъмолчилари уюшмалари 344,7 млн. сўм, 106,1 фоиз, ёқилғи мойлаш материаллари 1701,4 млн. сўм, 102,6 фоиз, минерал ўғитлар сотиш шохобчалари 5642,8 млн. сўм, 104,4 фоиз, минибанк (агробанк минибанклар 15 та, қишлоқ қурилиш минибанки 1 та, миллий минибанки 2 та)лар 23483,4 млн. сўм, 110,4 фоиз, зооветеринария ва сунъий уруғлантириш шохобчалари 138,6 млн. сўм, 107,8 фоиз, биолабораториялар 474,6 млн. сўм, 109,6 фоиз, агрофирмалар 6400,3 млн. сўм, 106,7 фоизга ўсган.

Қишлоқ хўжалигида тайёр маҳсулотларни териб олиш даври жуда қисқа бўлганлиги туфайли хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар кечиктирилиш ҳолатлари кузатилган. Бунга сабаб, корхоналарда мавжуд асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскирганлигидадир. Энг кўп бажарилмай қолган шартномалар ҳиссаси минерал ўғитлар сотиш шохобчалари билан МТП хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан кўрсатилган хизматларга тегишли бўлган. Масалан: фақатгина 2017 йилнинг ўзида МТПларда 3032 тадан 2994 та, сув истеъмолчилари уюшмаларида 10249 тадан 9304 та, ёқилғи мойлаш материаллари етказиб бериш хизматларида 12063 тадан 8874 та, минерал ўғитлар сотиш шохобчаларида

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

15453 тадан 11325 та, биолобараторияларда 5261 тадан 3909 та ва агрофирмаларда 6666 тадан 5483 та[5] амалда бажарилган шартномалар аниқланди. Шартномаларнинг бажарилмай қолиши асосан хизмат кўрсатиш корхоналарида асосий воситаларнинг эскирганлиги, иш унумдорлигининг пастлиги ва мавжуд асосий агротехникаларнинг улгурмаслиги сабаб бўлмоқда.

2017-2020 йилларда вилоятда қишлоқ корхоналарига хизмат кўрсатаётган асосий хизмат турларидан бири бўлган МТПларда ўтказилган тадқиқот ишларида мавжуд агротехникалар ҳолати ўрганилиб улар ҳақида қуйидаги (5-жадвалда) келтирилди.

5-жадвал

2017-2020 йилда Самарқанд вилояти ММТПларда мавжуд агротехникаларнинг ҳолати[5]

| № | Кўрсаткичлар | Қишлоқ хўжалиги техникаси | | Соз техникалар жами техникаларга нисбатан фарқи | |
|--------------|---------------------------------|---------------------------|-------------|---|-------------|
| | | жами | шундан соз | (+; -) | % |
| 1 | Хайдов тракторлари | 137 | 60 | -77 | 43,8 |
| 2 | Чопиқ (ишлов бериш) тракторлари | 563 | 108 | -455 | 19,2 |
| 3 | Транспорт трактори | 404 | 195 | -209 | 48,3 |
| 4 | Ғалла ўриш комбайни | 15 | 5 | -10 | 33,3 |
| 5 | Тиркама (прицеп)лар | 532 | 354 | -178 | 66,5 |
| 6 | Омочлар | 148 | 105 | -43 | 70,9 |
| 7 | Чигит экиш сеялкалари | 245 | 111 | -134 | 45,3 |
| 8 | Дон экиш сеялкалари | 61 | 57 | -4 | 93,4 |
| 9 | Сабзавот экиш сеялкалар | 5 | 5 | 0 | 100 |
| 10 | Бошқа сеялкалар | 7 | 6 | -1 | 85,7 |
| 11 | Ер текислагич | 58 | 50 | -8 | 86,2 |
| 12 | Бороналар | 2329 | 904 | -1425 | 38,8 |
| 13 | Бошқа техникалар | 307 | 190 | -117 | 61,9 |
| Жами: | | 4811 | 2150 | -2661 | 44,7 |

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2017-2020 йилда Самарқанд вилоятида мавжуд ММТПларда агротехникалар сони жами 4811 та, улардан 2150 дона соз ҳолатда. Соз техникалар жами техникаларга нисбатан 2661 тага кам бўлиб 44,7 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолиятини замонавий кўринишда ташкил этиш ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Илмий тадқиқотлар натижасида аниқланганидек, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз фаолиятлари давомида асосан қуйидаги хизматлардан фойдаланиб келмоқда:

1. уруғлик етказиб бериш хизматлари;
2. минерал ўғитлар сотиш шаҳобчалари ва кимёвий воситалар билан таъминлаш тизими;
3. биолобаратория хизматлари;
4. илмий-ишлаб чиқариш лаборатория хизматлари;
5. ирригация ва мелиорация хизматлари;
6. сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ);
7. зооветеренария хизматлари;
8. муқобил трактор парклари (МТП) хизматлари;
9. қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш хизматлари;
10. электр-энергия хизматлари;

11. ёқилғи ва мойлаш материаллари (ЁММ) таъминоти ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар;

12. транспорт тизими ва йўл хизматлари;

13. алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари;

14. банк, молия хизматлари;

15. қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш шаҳобчалари (Агробиржалар);

16. маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлаш хизматлари;

17. консалтинг хизматлари ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ жойларида олиб борилган сўровнома натижаларига кўра, кўрсатилаётган хизматлардан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг қониқиш ҳолати ҳолати паст бўлиб, аксарияти кониварсиз ҳолатда. Бундан ташқари мавжуд агротехникаларнинг аксарияти носоз ҳолатда. Ушбу хулосалар қишлоқ жойларида сервис соҳасини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга оширишни талаб этади:

- Энг аввало, қишлоқ жойларида кластерлашни тезлаштириш. Бу хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва агротехникаларни модернизация қилиш имконини беради;

- Қишлоқ хўжалигида интенсив ривожланишдан экстенсив ривожланишга ўтиш. Ривожланишнинг ушбу йўли қишлоқ хўжалигига кўпроқ инвестицияларни жалб қилган ҳолда, тезроқ ривожланиш имконини беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Президент Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.: Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25 январь № 19.
3. <https://samstat.uz/uz/> – Самарқанд вилоят статистика бошқармаси
4. <http://uza.uz> – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги
5. Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 7 б. [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. Paul Starkey, Zahara Batool, Eng Muhammad Waqas Younis, Atteq Ur Rehman, Muhammad Sarmad Ali, Motorcycle three-wheelers in Pakistan: Low-cost rural transport services, crucial for women’s mobility, Transportation Research Interdisciplinary Perspectives, Volume 12, 2021, 100479, ISSN 2590-1982, <https://doi.org/10.1016/j.trip.2021.100479>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2590198221001846>)
8. Eman Ahmed Hamed Shoeib, Elisabeth Hamin Infield, Henry C. Renski, Measuring the impacts of wind energy projects on U.S. rural counties’ community services and cost of living, Energy Policy, Volume 153, 2021, 112279, ISSN 0301-4215, <https://doi.org/10.1016/j.enpol.2021.112279>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0301421521001488>)
Bangkim Biswas, Bishawjit Mallick, Apurba Roy, Zakia Sultana, Impact of agriculture extension services on technical efficiency of rural paddy farmers in southwest Bangladesh, Environmental Challenges, Volume 5, 2021, 100261, ISSN 2667-0100, <https://doi.org/10.1016/j.envc.2021.100261>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2667010021002407>)